



**ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИСТИК КОРХОНАЛАР
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ ОМИЛЛАР
ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ**

Тешабаева Одина Насридиновна-

иқтисодиёт ва сервис кафедраси катта ўқитувчиси, PhD,

odina_0505@mail.ru

Фозилов Зоиржон

*меҳмонхона хўжалигини таъкил этиши ва бошқариши йўналиши талабаси,
иқтисодиёт факультети*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистондаги туристик корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари ва уларни самарали бошқариш механизмлари ўрганилган. Мақолада соҳадаги мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, туристик корхоналарни бозор талабларига мос равишда ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш, инновацион ёндашувларни жорий этишнинг аҳамияти асослаб берилган.



Калит сўзлар: туристик корхоналар, рақобатбардошлик, туризм соҳаси, бошқарув механизмлари, маркетинг стратегияси, сифатни баҳолаш.

Кириш

Сўнгги йилларда глобал иқтисодиётда туризм соҳасининг роли тобора ортиб бормоқда. Туризм фақатгина ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси билан эмас, балки янги иш ўринларини яратиш, минтақаларда инфратузилмани ривожлантириш ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдаги ҳиссаси билан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ривожланаётган давлатлар учун туризм соҳаси миллий иқтисодиётни диверсификация қилишда стратегик тармоқ сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатнинг бой маданий ва тарихий меросига асосланган туризм салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги туристик маршрутлар яратиш, виза режимини соддалаштириш, ҳамда рақамли туризм инфратузилмасини шакллантириш каби чора-тадбирлар соҳадаги корхоналар фаолиятини рағбатлантирмоқда.

Шу билан бирга, бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва рақобатнинг кескинлашуви шароитида туристик корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши ва ўз позициясини мустаҳкамлаши учун рақобатбардошликни бошқариш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Замонавий туризмда нафақат хизмат турларининг хилма-хиллиги, балки уларнинг сифати, инновацион ёндашувлар, мижозларни





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

жалб қилиш стратегиялари ва маркетинг воситалари ҳам рақобатда муҳим омилга айланган.

Тадқиқотнинг Мазкур илмий мақолада Ўзбекистонда туристик корхоналар рақобатбардошлигини таъминлаш ва бошқаришнинг назарий асослари, амалиётдаги ҳолати, жаҳон тажрибалари билан қиёсий таҳлили ҳамда миллий шароитда татбиқ этиш имкониятлари ўрганилади.

Муҳокама ва таҳлил

Замонавий туризм саноатида корхоналар ва хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида рақобат тобора кучайиб бормоқда. Бу жараёнда рақобатбардошликка таъсир этувчи асосий омиллар ва уларнинг самарали бошқарилиши ҳар қандай туристик корхона муваффақиятининг калити ҳисобланади. Қуйида ушбу омиллар бўйича атрофлича таҳлил келтирилади:

Маркетинг сиёсати ва брендинг. Маркетинг туристик хизматларни тўғри йўналтириш, ҳудудий ва тармоқли позициялаш, мижозлар эҳтиёжини аниқлаш ҳамда уларни қондиришда асосий рол ўйнайди. Самарали маркетинг стратегияси орқали корхона ўз фаолиятини мақсадли аудиторияга етказиши, рақобатчилардан ажралиб туриши мумкин.

Ўзбекистонда туризм маркетинги ҳали тўлиқ ривожланмаган бўлиб, бу соҳада замонавий воситалар: рақамли маркетинг, инфлюенсер маркетинг ва контент маркетингни кенг жорий этиш долзарб ҳисобланади.


Рақамлаштириш ва технологик инновациялар. Туристтик хизматларни рақамлаштириш ва автоматлаштириш рақобатбардошликни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда веб-сайтлар, мобил иловалар, электрон тўлов тизимлари, AR/VR турлар, онлайн бронлаш платформалари каби элементлар айна пайтда етакчи давлатлар тажрибасида фаол қўлланилмоқда.

Сингапур ва Японияда “Smart tourism” концепцияси асосида ишлаш рақобат устунлигига айланган. Ўзбекистонда бу борада e-Visa тизими, Uzbekistan.travel сайти, рақамли хариталар ва туризм ахборот марказлари фаолияти босқичма-босқич ривожланмоқда.

Хизмат сифати ва стандартлаштириш. Сифат туристик маҳсулот ва хизматларнинг асосий белгисидир. Унинг юқори даражада таъминланиши мижозларнинг қониқишини таъминлаб, уларнинг такрорий ташрифларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Сифатни баҳолаш учун SERVQUAL, ISO 9001, TQM (Total Quality Management) каби халқаро стандартлар асосида иш олиб бориш талаб этилади. Ўзбекистонда бу тизим ҳали кенг жорий этилмаган бўлса-да, йирик меҳмонхона ва халқаро брендингга эга операторлар ушбу стандартлар асосида фаолият юритмоқда.

Кадрлар салоҳияти ва хизмат маданияти. Туристтик хизмат кўрсатиш жараёнида инсон омили ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Таълим даражаси юқори,





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

бир неча тилда гаплаша оладиган, сервис маданиятига эга ходимлар рақобатбардош туристик корхонанинг асосий бойлиги саналади.

Ўзбекистонда туризм кадрларини тайёрлаш бўйича университетлар, коллежлар ва қайта тайёрлаш курслари мавжуд. Аммо амалиётда ходимлар малакаси, меҳмондўстлик стандартлари ва замонавий ёндашувлар етишмаслиги аниқланмоқда.

Инфратузилма ва логистика. Туристлик ҳудудлардаги транспорт, турар жой, алоқа, йўл ва коммунал инфратузилманинг ҳолати ҳам туристик корхона фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади. Энг яхши хизмат ҳам инфратузилмасиз самара бермайди.


Бу борада Ўзбекистонда йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётган бўлса-да, айрим ҳудудларда логистик хизматлар ва транспорт алоқалари ҳали етарли даражада эмас.

1-жадвал

Туризмда рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар таҳлили

Омил	Таҳлил	Аҳамияти
Маркетинг	Туристлик маҳсулот ва хизматларни тўғри позициялаш ва миқдори жалб қилиш усуллари ўрганилган.	Бозорда ўз ўрнини топишда ҳал қилувчи омил.
Рақамлаштириш	Туристлик хизматларни электрон платформада кўрсатиш, масалан, e-visa, AR/VR технологиялар.	Тезкорлик, самарадорлик ва янги бозорларга чиқиш имконияти.
Хизмат сифати	SERVQUAL ва ISO каби баҳолаш тизимлари билан қиёсий таҳлил қилинган.	Миқдорлар қониқиши ва қайтган туристлар улушини оширади.
Кадрлар салоҳияти	Туризм соҳасидаги кадрларнинг малакаси, тил билими, сервис маданияти кўриб чиқилган.	Инсон омили — хизмат сифатида ҳал қилувчи ресурс.

Туризмнинг миллий ва халқаро бозорда барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, мамлакатнинг рақобатбардошлик даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, тадқиқотда транспорт инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш сифати, туристик маҳсулотларнинг диверсификацияси, нарх сиёсати, маркетинг стратегиялари, меҳмонхоналар ва умумий туристик муҳит каби омилларнинг таъсири ўрганилган. Таҳлил жараёнида жаҳон тажрибалари ва Ўзбекистондаги реал ҳолатлар таққосланган. Тадқиқот натижалари туристик соҳани ривожлантириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш, шунингдек,





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

маҳаллий ва халқаро бозорда туризм соҳаси рақобатбардошлигини ошириш учун амалий тавсиялар бериш имконини яратади.

Юқоридаги омилларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, рақобатбардошлик бу жуда кўп қиррали, тизимли тушунча бўлиб, туризм соҳасида уни таъминлаш учун комплекс ёндашув талаб этилади. Маркетингдан тортиб кадрлар салоҳиятигача бўлган барча омиллар ўзаро боғлиқ ҳолда ривожлантирилиши керак. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, рақамли технологиялар, хизмат стандарти, замонавий бошқарув ва кадр салоҳиятига эътибор бериш рақобат устунлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. State Committee of the Republic of Uzbekistan for Tourism Development. (2021). 2021–2025.
2. Tourism Uzbekistan. (2023). Gastronomy tourism: Discover the taste of Uzbekistan. <https://uzbekistan.travel/en/o/gastronomic-tourism/>
3. <http://www.uzbekjourneys.com/2018/04/ruin-map-destinations-disaster-lovers.html>.
4. Тешабаева, О. Н. (2025). Туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми: глобал тенденциялар ва миллий тажриба. *Modern educational system and innovative teaching solutions*, 1(8), 199-204.
5. Nasridinovna, T. O. (2025). Global impact and recovery of the tourism business and increasing the competitiveness of the tourism industry in Uzbekistan. *modern problems in education and their scientific solutions*, 1(6), 125-131.
6. Nasridinovna, T. O. (2024). Methods of Assessing the Competitiveness of Entrepreneurial Activity in Tourism Enterprises. *Gospodarka i Innowacje.*, 46, 590-594.
7. Nasridinovna, T., & Mirzabahrom, M. (2024). Innovative Reforms and Economic Strategies in the Development of Domestic Tourism in Uzbekistan. *Procedia of Philosophical and Pedagogical Sciences*, 3(4), 10-17.
8. Nasridinovna, T. O. (2024). Prospects for the growth of tourism in Uzbekistan and the use of organizational and economic methods in the management of tourist complexes. *International journal of artificial intelligence*, 4(07), 98-103.
9. Nasridinovna, T. O. (2023). Factors affecting the management of competitiveness in tourism enterprises. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 10(10), 159-163.
10. Насридиновна, Т. О. (2024). Пути формирования методов продажи туристических услуг при развитии туризма в Узбекистане. *International journal of scientific researchers (IJSR) indexing*, 4(1), 139-145.

